Иккинчидан, камбағал аҳолининг даромадлари пасайиб борган сари, истеъмол бозорининг сиғими мутаносиб равишда кичрайиб боради ва бунинг натижасида саноат моллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва айниқса, хизматларга бўлган талаб пасайиб боради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилади, бюджет даромадларини камайтиради ва камбағалларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятини камайтириб ёпиқ циклик жараён кўринишига келади.

Учинчидан, аксарият ҳолларда камбағалларнинг дунёқараши даромад юқори бўлганлардан фарқ қилади. Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, улар орасидан ижодкор ва тадбиркорлик қобилиятига эга инсонларнинг етишиб чиқиши эҳтимоли камроқ. Шунингдек, одатда камбағал оила аъзолари орасида жиноятчилик кўрсаткичлари нисбатан юқорироқ бўлади.[6] Бошқача қилиб айтганда, камбағалликни келтириб чиқарувчи омиллар мамлакатда инсон салоҳиятини ривожлантиришга, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва аҳолининг иқтисодий фаолиятига тўсқинлик қилади.

**Натижалар.** 1990 йилдан бошлаб ҳар йили Жаҳон банкининг "Камбағаллик ва ялпи фаровонлик" маърузалари эълон қилинади. 2018 йилнинг октябрь ойида чиқарилган маърузада асосий кўрсаткич камбағалликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 доллар миқдорида эканлигини кўрсатиб берди. Бироқ камбағаллик бўйича янги таъриф ва ўлчамлар киритилмоқда. Жумладан, ижтимоий камбағаллик. Бу кўрсаткич мутлақ ва нисбий камбағаллик консепсиясини бирлаштиради. Бундан ташқари, камбағаллик даромадлар даражаси бўйича коммунал хизматлар (сув, электр

энергияси), соғлиқни сақлаш ёки таълим олиш имкониятини акс эттирмагани учун кўп ўлчамли камбағаллик кўрсаткичи киритилди. Ана шу тушунчага мос равишда глобал даражадаги камбағаллар улуши монетар камбағаллик билан таққослаганда тахминан 50 фоизга юқорироқ.

Бевосита камбағаллик ва қашшоқлик тушунчаларига келадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда жаҳон бўйлаб камбағаллик ёки қашшоқлик тушунчаларининг умумқабул қилинган ҳамда ягона келишилган таърифи ишлаб чиқилмаган. Ҳар бир мамлакат ўзи учун белгиланган камбағаллик мезонидан келиб чиқиб тавсифлайди.

БМТ таърифига кўра, *қашшоқлик* – инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурслар етишмаслиги, бундан ташқари, очлик ва тўйиб овқатланмаслик, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа асосий хизматлардан фойдаланишда чекловларнинг мавжудлиги, турар жойнинг йўқлиги, хавфли табиий ва техноген муҳитда ҳамда ижтимоий тенгсизлик шароитида яшашига нисбатан айтилади (БМТнинг “Ижтимоий ҳимоя борасида юқори даражадаги Бутунжаҳон саммити”дан).

*Камбағаллик* эса инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганлигида намоён бўлади. Шунингдек, камбағаллик — бу инсонлар, уй хўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегараланганлиги, хавф-хатарлар олдида чорасизлиги ҳамда ночорлиги саналади.[4]

Камбағаллик ҳақида гап кетганда Истеъмол саватчаси ва унинг мамлакатда камбағаллик даражасини аниқлашда тутган ўрни ва ролини кўрсатиб ўтиш лозим. Истеъмол саватчаси – муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўпламидир. Одамнинг овқатланиши, кийиниши, коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаши, зарур дори-дармонларни харид қилиш кабилар маҳсулотлар саватчасини яратиш учун асос ҳисобланади.

Истеъмол саватчаси қуйидагиларни белгилаш учун ҳисоб-китобга асос бўлади: энг кам иш ҳақи ва пенсиялар; базавий ижтимоий тўловлар: ишсизлик, болани парваришлаш, боқувчисини йўқотганлик нафақалари, стипендиялар ва бошқалар.

Истеъмол саватчасига кирувчи товарлар ва хизматлар тўплами ҳар бир мамлакатда турлича. Унинг таркиби давлат даражасида белгиланади ва кўплаб омиллар: табиий-иқлим шароитлари, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш хусусиятлари, товар ва хизматларнинг ҳақиқатда истеъмол қилиниши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Анъанага кўра истеъмол саватчаси 3 қисмдан иборат бўлади: озиқ-овқат маҳсулотлари; ноозиқ-овқат товарлари: кийим-кечак, пойабзал, дори-дармонлар, маданий-маиший ва хўжалик учун мўлжалланган товарлар; хизматлар: коммунал, транспорт, маданий-маърифий ва ҳоказо.

Одатда истеъмол саватчаси аҳолининг 3 та асосий ижтимоий-демографик гуруҳи: меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун ишлаб чиқилади. Яъни

аҳолининг турли қатламлари тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда муайян даврда истеъмол саватчасидаги барча неъматларни истеъмол қилиш нормаларини аниқлаш зарур. Масалан, оддий фуқаро нормал ҳаёт кечириши учун ҳар куни истеъмол қилиши керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами ва миқдорини ёки барча коммунал харажатларни қоплаши учун ойига қанча сумма зарурлигини ҳисоблаш керак. Бунда истеъмол саватчаси таркибига киши уларсиз бамайлихотир, соғлом яшаши мумкин бўлган товарлар: тамаки маҳсулотлари, алкоголли ичимликлар, тансиқ маҳсулотлар, зеб-зийнат буюмлари киритилмайди.

Ўзбекистон шароитида ҳам камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашув энг мақбул ечимдир. Мазкур сиёсат меҳнатга лаёқатли аҳолини имкон қадар иш билан таъминлаш ва бир вақтнинг ўзида муҳтож одамларни камбағаллик чегарасидан чиқаришга қаратилган давлат томонидан ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган. Шу билан бирга, қашшоқликни зудлик билан бартараф этишнинг имкони бўлмаган шароитда кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг даромад олиши ва инсон капиталини ривожлантириши учун қўшимча имкониятлар яратиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган мамлакатлар қаторига киради. Бундай мамлакатларда давлат жамият ҳаётидаги иштироки анча муҳим бўлиб, у ўз фуқаролари олдидаги ижтимоий мажбуриятларини кенг кўламда амалга оширилишини назарда тутади. Бу эса жамиятнинг ижтимоий заиф қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Кучли ижтимоий сиёсат дегани давлат институтлари томонидан ижтимоий неъматларни жамиятнинг энг кам ҳимояланган ва энг заиф аъзолари фойдасига тақсимлаш демакдир. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли ўлароқ, кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилгани шубҳа остига олинмай келинмоқда. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам ижтимоий адолат тушунчасига мос келадиган давлат сиёсати модели танланганини таъкидлаш мумкин. Минг йиллар давомида халқимиз яшаб турган заминимизда одамлар бир-бирига ёрдам бериши, оғир ҳаётий вазиятларда қолган қашшоқ ва заиф аҳоли қўни-қўшни, маҳалла ва жамиятдан мадад олиши лозим, деган анъанавий дунёқараш шаклланган. Ўзбекистонда ижтимоий шартнома ижтимоий ахлоқнинг кўп асрлик тамойилларига асосланган.

Шундай бўлсада, узоқ вақт давомида, камбағалликнинг мавжудлиги сиёсий сабабларга кўра расмий даражада деярли тан олинмаган, камбағалликни аниқлашнинг қонуний тасдиқланган мезонлари йўқ эди, бу ҳолда самарали ижтимоий сиёсат олиб бориш жуда мушкул масала эди. Бироқ, камбағаллик муаммоси йўқолмади, ҳатто 2007 йилда уни бартараф этиш учун тегишли стратегияни ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. БМТ, Жаҳон банки ва Осиё Тараққиёт Банки билан биргаликда «2008-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси фаровонлигини ошириш стратегияси» ишлаб чиқилди. Бироқ тан олиш керак, яқин давргача маҳалла қўмиталари орқали камбағалларни реал ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида туб ўзгаришлар амалга оширилмади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича комплекс ёндашув ва ностандарт усуллар амалиётга жорий этилмоқда. Мамлакатимизда

камбағалликни қисқартиришнинг институтсионал асослари яратилиб, ушбу масалаларни мувофиқлаштирувчи вазирлик ҳамда шу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи илмий марказ ташкил этилди. Жумладан, мамлакатда камбағалликка қарши курашиш учун зарур институтлар яратилди. Бу авваламбор Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ташкил этилиши, камбағалликка қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сон қарори 3-иловасида "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги" тўғрисида низом қабул қилинди. [2] Бу низомда умумий қоидалар, вазирликнинг тузилиши, вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифа ва функсиялари келтирилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. 2022 йилда вазирлик Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги деб қайта номланди. Мазкур вазирлик фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи масъул давлат органи сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган қатламларини аниқлаш ва манзилли кўмак бериш борасида самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда бевосита камбағалликни қисқартириш борасида халқаро ташкилотлар (БМТ тараққиёт дастури, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа), молиявий институтлар (Жаҳон банки гуруҳи, Осиё тараққиёт банки) ҳамда ушбу йўналишда илғор тажрибага эга мамлакатлар илмий марказлари (Хитой камбағалликни қисқартириш халқаро маркази) билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш йўналиши жараённи шаффофилиги, натижадорлиги ва манзиллилигини таъминлаш мақсадида давлат ижтимоий хизмат ва ёрдамларини автоматлаштирилган "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали тақдим этиш амалиётга жорий этилди. Унинг функционал имкониятлари кенгайтирилиши натижасида кўрсатиладиган давлат ижтимоий хизматлари сони 30 тага етказилиши белгиланди.

Маълумки, "Маҳаллабай" иш тизимининг ташкил этилганлиги бу аслида камбағалликни қисқартиришнинг ностандарт усулларидан бири саналади. Мамлакатимизда мазкур масалага ўзига хос тарзда ёндашилмоқда, яъни илғор хориж тажрибасини пухта ўрганган ҳолда ички ижтимоий-иқтисодий имконият ва хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ишларни амалга ошириш имконияти яратилмоқда.

"Маҳаллабай" ишлаш тизимида қуйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратилади. Бунда оилаларнинг даромад манбаларини, шу жумладан, томорқа ерлардан фойдаланиш ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини "хонадонбай" ўрганиш, банд бўлмаган аҳолининг, айниқса, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш орқали уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи курсларга йўналтириш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланишга амалий кўмаклашиш, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ва стартап ғояларини янада қўллаб-қувватланди.

Даромад топишга қаратилган тадбиркорлик интилишларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда “Маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.атлашга қаратилган кредитлар ажратиш режалаштирилган.

Шунингдек, маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни (ихтисослашув йўналишларини) аниқлаш ва янги тадбиркорликни, шу жумладан, “драйвер” лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, мавжуд имкониятларни (бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ер майдонлари ва бандликнинг анъанавий соҳалари) ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали жойларда тадбиркорлик, инвеститсиявий ва рақобат муҳитини яхшилаш; самарадорлик ва даромадлилик тамойилларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга сифатли хизмат кўрсатиш, маслаҳат бериш ва бизнес-режаларни тайёрлаш учун банкларнинг қуйи бўғин ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш орқали мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш кабилар бу жараёндаги муҳим вазифалардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига [3] мувофиқ, “Темир дафтар”ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб тасдиқланди.

Унга кўра, “Темир дафтар”га киритилганларга қуйидаги йўналишларда ёрдам кўрсатилиши белгиланган. Томорқада енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш, “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш, деҳқончилик учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ердан 0,1 гектардан 1 гектаргача ер бериш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнес лойиҳалар тузишни ўргатишда ёрдам берилади.

**Муҳокама.** Ҳозирги кунда “Темир дафтар” (saxovat.argos.uz) ахборот-таҳлил тизимидаги маълумотларни автоматлаштирилган тарзда шакллантириш учун тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизим ва маълумотлар базалари ҳамда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” билан интеграция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, “Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида ҳар бир маҳалла, туман ва шаҳарларнинг “ўсиш нуқта”лари аниқланди. Шу асосда “Ҳудудларда 2021 йилда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилиб тасдиқланди. “2021-2030 йилларга қадар Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегияси” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳадан кўзланган мақсад нимадан иборат? Ўрта ва узоқ муддатларда камбағалликни қисқартиришнинг стратегик мақсадларини белгилаш мақсадида Жаҳон банки ва БМТ тараққиёт дастури экспертлари билан биргаликда “2021-2030 йилларга қадар Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегияси” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳужжатда республикада камбағалликни қисқартириш учун комплекс

ёндашилиб, қуйидаги устувор йўналишлар доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Унга асосан эҳтиёжманд аҳолига кўрсатиладиган ёрдам ва хизматлар турини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш орқали мавжуд тизимни янада такомиллаштириш, аҳоли эҳтиёжманд қатламини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги усул ва механизмларини доимий такомиллаштириб бориш орқали камбағаллик даражасини янада қисқартириш механизмларини жорий этиш кабилардир.

Моддий ёрдам кўрсатиш механизми Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом билан белгиланади. Ушбу қоидага мувофиқ, болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатли маҳалла фуқаролар йиғини ёки комиссияга белгиланган. Комиссия фуқаролар йиғини раиси бошчилигида фуқаролар йиғини томонидан сайланиб келган. Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса – ўз ваколатларининг бутун муддати давомида сайланган. Ушбу комиссия аъзоларининг сони камида 15 кишини ташкил этиши лозим.

Мазкур механизм, комиссия аъзолари ўзлари яшаётган маҳаллаларда қўллаб-қувватланишга муҳтож аҳолини билган ҳолда объектив қарорлар қабул қилишни назарда тутади. Аммо, бошқа томондан, жамоавий қарор қабул қилишнинг бундай механизми жуда мураккаб, етарлича шаффоф эмаслиги ва берилган ваколатлар суиистеъмол қилинишини истисно қилмайди, айниқса, кўплаб жараёнлар ортиқча ҳужжатлар ва сертификатлар тақдим этилишини талаб қилади. Балки шунинг учундир, ижтимоий ёрдам ажратиш механизмидаги қийинчиликлар ва камчиликлар таъсирида Президент қабулхоналарига самарасиз ёки ҳатто адолатсиз моддий ёрдам ажратиш амалиётлар ҳақида мурожаатлар сони ошиб кетишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида Халқ қабулхоналари ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш, уларга ечим топишга қаратилган тизим жорий қилинди.

Ўзбекистонда ҳам “манзилли ёндашув” — ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий элементларидан биридир. Ёрдамга муҳтож барча фуқаролар тармоқлар ва маҳалла йиғинлари раҳбарлари тавсияси билан “Темир дафтар”га киритилади. Аслида, бу “Саховат.Аргос.уз” электрон дастури бўлиб, унга киритилган фуқароларга давлатнинг мақсадли ёрдам кўрсатиши “қатъий кафолатланади”. “Темир дафтар”га иш ўринлари ва даромад манбаларини йўқотганларнинг барчаси, шунингдек, ногиронлиги бўлган кишилар, якка-ёлғиз қариялар ва кам таъминланганлар киритилади.

“Темир дафтар”даги оилаларни танлаш кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган категориал баҳолаш усулига асосланади. Бунда аҳолининг айрим гуруҳларига ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар сифатида қаралади.

Бизнинг ҳолатда “Темир дафтар”ни юритиш 5 та тоифадаги оилаларни назарда тутади:

1) эҳтиёжманд, ночор ва моддий кўмакка муҳтож оилалар;

2) ногиронлиги бўлган ва сурункали касалликка чалинган кишилар;

3) 5 ва ундан кўп фарзанди бор оилалар;

4) якка-ёлғиз кексалар, бевалар ва ўзгалар қарамоғига муҳтожлар;

5) карантин чоралари натижасида ўзининг даромад манбаини йўқотган оилалар.

Бугунги кунда "Темир дафтар"га киритишнинг асосий мезони — даромад ва ишлаб пул топиш воситаларининг мавжуд эмаслиги ҳамда меҳнатга лаёқатлиликнинг чекланганидир. Туман ёки шаҳар секторлари раҳбарлари маҳалла раислари билан биргаликда оилаларнинг моддий ва уй-жой шароитларини ўрганиш ва умумлаштириш учун уйма-уй юрмоқда, агар мақсадга мувофиқ, деб топилса, янги аниқланган эҳтиёжмандлар ҳам дастурга киритилади.

Ушбу дастурнинг афзаллиги шундаки, ундан туман, вилоят ва умуман, республикадаги мавжуд ижтимоий вазият ҳақида аниқроқ тасаввур юзага келади. Яъни, туман ҳокимидан тортиб, Президентгача ишлар кўлами ва эришилган натижалар борасида, реал ёрдам кўрсатилаётган оилалар ва исм-шарифларгача, аниқ ва яхлит тасаввурга эга бўлади.

Оддий қилиб айтганда, "Темир дафтар"да умумий кўрсаткичлар эмас, балки ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммолари ва уларнинг ечимлари акс этади. Буларнинг барчаси ҳар бир фуқаронинг ижтимоий муаммоларига, унинг ўта зарурий муаммоларини ҳал этишга ёрдам берадиган йўл ва воситаларга эътибор қаратиш имконини беради.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатига старт берилди десак хато қилмаймиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, камбағалликни фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун камбағал оила аъзоларини ўқитиш, касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш муҳим. Бугунги кунда корхоналарда 250 мингта вакант бор. Лекин, камбағал оилаларнинг 35 фоиз ишга лаёқатли аъзоларида билим ва кўникма кам. Яна айримлари сурункали касалликлар туфайли тайинли ишлай олмаяпти. Камбағал оилаларнинг 83 фоизида томорқа бор, лекин сув, электр ва йўл билан боғлиқ муаммолар қийинчилик туғдиряпти.

Йиғилишда шу каби масалалар атрофлича таҳлил қилиниб, янги вазифалар белгиланди. Давлатимиз раҳбари кейинги йиллар учун "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури тайёрланаётганини маълум қилди. Унда еттита имконият ва масъулият тамойили асосида Ўзбекистонни навбатдаги янги ёндашувлари белгилаб берилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳокимликлар билан бирга бу йил ҳар бир маҳаллани тўлиқ хатловдан ўтказиб, "камбағал оилалар портрети"ни ишлаб чиқади. Камбағал оила бўйича индивидуал дастур бўлади. Иқтисодий комплекс оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш билан шуғулланади. Бунда энг катта масъулият туман ҳокимлари ва сектор раҳбарлари зиммасида бўлади. Одамларнинг иши юришиши маҳаллалардаги шароитга ҳам боғлиқ. Шу боис келаси йили маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга барча манбалардан 1,6 миллиард доллар ажратилади. Бунинг бир қисми, аввало, энг оғир 300 та маҳаллада сув насослари ва қуёш

панеллари ўрнатишга берилади. Яна 500 та маҳаллада электр, йўл, интернет ва бошқа инфратузилма масалалари ҳал этилади.[1]

Аҳоли бандлигидаги аҳамиятини инобатга олиб, мутасаддиларга бу соҳаларга имтиёзларни узайтириш бўйича таклиф киритиш топширилди. Агар корхоналар камбағал аҳолини банд қилса, ўша ишчига ижтимоий солиқдан имтиёз яна уч йилга сақланиб қолади. Ушбу имтиёз нафақат тўқимачиликка, балки барча соҳадаги корхоналарга берилади. Бу орқали тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, электр техникаси, озиқ-овқат, чорвачилик ва қурилиш тармоқларида юз минглаб камбағал аҳолини ишли қилиш мумкин. Ўтган йилларда 260 минг гектар ер 800 минг аҳолига деҳқончилик учун ажратилган эди. Энди яна 50 минг гектар ер 100 мингта камбағал оилага бўлиб берилиши айтилди.

Ушбу ерларда "компания – кооператив – деҳқон хўжалиги" тамойили асосида деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил этилади. Бунда, Хитой тажрибаси асосида, ердан уч хил даромад оладиган тизим қилинади:

1) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи ва экспорт қилувчи катта компания камбағал оилалардан ерни иккиламчи ижарага олади; 2) ёки ер эгалари ҳиссадор сифатида кооперацияга бирлашиб, компаниялардан буюртма олади ва топилган даромад улар ўртасида тақсимланади; 3) ҳар икки ҳолатда ҳам ушбу аҳоли ерда ўзи маҳсулот етиштириб, бунинг учун ойлик олади. Бандлик лойиҳаларини амалга оширишда микромолия хизматлари ҳам муҳим ва бу борадаги имкониятлар кенгаймоқда.

Энди 2024-2025 йилларда одамлар ўзини ўзи банд қилиши, кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланиши учун микрокредитлар ажратишга 10 триллион сўм берилади. Шунингдек, камбағал оилаларга 30 миллион сўмгача ускуна, кўчма дўкон, мотороллер, скутер каби воситалар 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан берилади. Камбағал оила фарзандларига компьютер сотиб олиш учун 5 йилга 2 йиллик имтиёзли давр билан фоизсиз кредит ажратилади. [1]

Савдо-саноат палатаси ҳузурида тадбиркорларга ишчи топиб, уларни тайёрлаб берадиган марказ ташкил қилинади. Камбағал оила аъзоларига корхона талабига мос кўникмалар ўргатилиб, ишга жойлаштирилади.

Ҳар бир камбағал оилада, айниқса, хотин-қизлар орасида олий маълумотлилар бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун улар фоизсиз таълим кредитлари, грантлар ва бошқа молиявий ёрдамлар орқали қўллаб-қувватланади. Умуман, давлатимиз раҳбари бу мақсад жуда кенг кўламли экани, унга барча ҳисса қўшиши кераклигини таъкидлади.

**Хулоса.** Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида халқимиз осойишталиги ва улар бахту иқболи, саодатли ҳаётини таъминлашдек эзгу мақсадлар сингдирилган. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан бошланган камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракати ҳам Янги Ўзбекистон аҳолиси учун ана шундай фаровон ҳаётга кенг йўл очишига ишонамиз.

## Adabiyotlar/Литература/References:

1. "Камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланади". Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 й. 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари

муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилишида қилинган маъруза. //https://www.uzdaily.uz/uzc/kambag%CA%BBallikni-qisqartirish-umummilliy-harakatga-aylanadi.
2. “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сон қарори.// https://lex.uz/docs/4776766
3. “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг2021 йил 28 апрелдаги қарори. // https://lex.uz/uz/docs/5398681
4. Маматқулов И. Камбағаллик ва қашшоқлик ўртасида қандай фарқ мавжуд?// https://kun.uz/kr/63800741?q=%2Fuz%2F63800741
5. Раупов С.С. Ижтимоий сиёсат. Дарслик. Бухоро, “Дурдона” нашриёти, 2022 й.
6. Ҳакимов О. «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидаги муаммоларни айнан қўлда бошқариш режимида ҳал этишга тўғри келмоқда» // https://kun.uz/kr/15640261
7. Shirinov A.Q. Inson taraqqiyoti dinamikasida inson kapitalining ijtimoiy-falsafiy asoslari.// Ta’limda istiqbolli izlanishlar. 2024 y. –Buxoro, №6. B. 308-311.
8. Shirinov A.Q. Some discourses on the human development model in Central Asia. Asian journal of applied science and technology (AJAST). Volume 8, Issue 3, Pages 26-31, July-September 2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## IJTIMOIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI

*№ 12 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari”** elektron jurnali 2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli guvohnoma bilan davlat ro‘yxatiga olingan.

**Muassis**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” mas’uliyati cheklangan jamiyati

**Tahririyat manzili:**

100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik Beshyog‘och ko‘chasi, 70/10-uy. Elektron manzil: scienceproblems.uz@gmail.com

**Bog‘lanish uchun telefonlar:**

(99) 602-09-84 (telegram).